



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 233 (13.046)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Тошкентда бўлиб ўтаётган
“Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган”
мавзусидаги кўргазма-ярмаркада
мамлакатимизда ишлаб чиқарилган кенг
турдаги қурилиш материаллари, техника
ва ускуналар намойиш этилди.**

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси томонидан ташкил этилди.

Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар қурилиш саноатини жадал ривожлантириш имконини бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган компания ва фирмалар сони йил сайин ошиб бораётди. Улар илгари четдан олиб келинган қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда. Бунинг самарасида айни пайтда қурилиш материаллари бозоримиздаги маҳсулотларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилаётди.

Мазкур кўргазма-ярмаркани ўтказишдан асосий мақсад сифатли ва арзон қурилиш материалларини намойиш қилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида алоқани мустаҳкамлашдан иборат. Мамлакатимизнинг 450 дан ортиқ компания ва фир-

маси куруқ аралашмалар, лок-бўёқ, гипс ва гипсокартон маҳсулотлар, печка, газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари, профнастил ва металл черепица, турли қурилиш ишлари учун мўлжалланган махсус кийимларни тақдим этди. Компаниямиз турли металл турлар, дарвоза, панжара ва тўсиқлар ишлаб чиқараётганига 10 йилдан ошди, – дейди “Sanjar-nur servis” масъулияти чекланган жамияти директори А.Бекмухамедов. – Ҳар йили янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқдамиз. Жорий йилда мамлакатимиз бозорига хариддор-гир бўлган тўсиқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Айни пайтда корхонада 12 киши меҳнат қилмоқда ва келажақда ишлаб чиқаришни кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз.

Тадбир доирасида қурилиш материаллари соҳасида қайта ишлаш ва юқори технологияли корхоналарни ривожлантиришга бағишланган бизнес-семинар бўлиб ўтди. Тақдимотида ўтказилиб, қурилиш саноатини янада ривожлантириш истикболлари муҳокама этилди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

“Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат. Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ва барқарор ривожланимоқда. Жаҳонда ҳануз давом этаётган иқтисодий инқирозга қарамай мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсиши сўнгги йилларда мунтазам саккиз фоиздан юқори бўлаётгани ҳам бунни яққол тасдиқлайди. Жанубий корейлик кўлаб компаниялар мамлакатимизда эркин ва муваффақиятли бизнес юритиб, амалга оширилаётган йирик ва истикболли лойиҳаларда фаол қатнашмоқда. Ўзбекистонга сармоя киритиш имкониятлари жуда юқори, энг асосийси, Ўзбекистон ишончли мамлакат. Зотан, ўзаро ҳурмат ва ишонч ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим асоси ҳисобланади”.

Бу пойтахтимизда 5-6 ноябрь кунлари ўтказилган Халқаро инвестициявий форум иштирокчиси, Корея Республикаси саноат, савдо ва табиий ресурслар вазирининг биринчи ўринбосари Ли Хван Сопнинг эътирофи.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида мамлакатимиз иқтисодиёти изчил ривожланимоқда. Бошқа соҳаларда бўлгани каби, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусуслийлаштириш тармоғида амалга оширилган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Давлат активлари инвестиция киритиш, юқори қўшимча қийматга эга замонавий ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини ташкил қилиш, янги иш ўринлари яратиш шарти билан инвесторларга тўғридан-тўғри берилаётгани ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари эътиборини жалб этмоқда. Қисқа даврда 90 дан ортиқ мамлакат капитали иштирокида 5 мингдан зиёд корхона фао-

лияти йўлга қўйилгани бунинг ёрқин исботидир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳит, энг илгор халқаро тажрибалар асосида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларининг мустаҳкам қонунчилик базаси, шунингдек, чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхоналар учун имтиёз ва преференциялар тизими яратилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони улардан бири. Унга мувофиқ, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми 300 минг доллардан 3 миллион долларгача бўлган корхоналар 3 йил, 3 миллиондан 10 миллион долларгача бўлган корхоналар 5 йил, 10 миллион доллардан ортиқ бўлган корхоналар 7 йил муддатга юридик шахслар фойда-

сидан олинадиган солиқ, мулк солиғи ва бошқа қатор мажбурий тўловлардан озод қилинади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция улуши 33 фоиздан кам бўлмаган корхоналарга улар рўйхатга олинган санадан бошлаб икки йил давомида олиб қилинадиган мулк ва товарлар учун божхона преференциялари тақдим этилади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил 24 апрелдаги “Ақциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, шу йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва бошқа қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар хорижий инвестицияларни жалб этиш, ақциядорлик жамиятлари фаолиятининг самардорлигини ошириш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга янада кенг йўл очди.

(Давоми 3-бетда)

САЙЛОВ ТИЗИМИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Тошкентда “Сайлов тизими ва қонунчилигини янада демократлаштириш: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси” мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбати Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг сайлов қонунчилиги ривожини масалаларини муҳокама қилиш, Ўзбекистон сайлов тизимини халқаро стандартларга мувофиқ ислох қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар билан халқаро ҳамжамиятни таништиришга бағишланди.

Унда Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Франция, Германия, Жанубий Корея, Латвиядан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, сайлов ҳуқуқи соҳаси олимлари ва мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир очилишида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимизда мустақиллик йилларида сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизим босқичма-босқич модернизация қилиниши самарасида юксак демократик талабларга мос миллий сайлов тизими яратилганини таъкидлади. Фуқароларнинг шу аснода давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи тўлиқ таъминланмоқда. Бунда Конституциямиз ва қонунларда умумэтироф этилган норма ва принциплар асосида шакллантирилган сайловларнинг ўтказишнинг демократик принциплари мустаҳкамлаб қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётди.

Давра суҳбатида сайлов эркинлиги ва хоҳиш-иродани эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этиши таъкидланди. Сайлов тизимида изчил ва ўзаро уйғун ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бошқа давлат ҳокимияти органларининг аралашувисиз сайловларга тайёргарлик қилиш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилгани ҳам сайловларнинг демократиклиги, очик ва ошқоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири бўлди. Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, унинг фаолияти асосий принциплари конституциявий норма сифатида белгиланди, шунингдек, Бюджет кодексига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, унинг молиявий мустақиллиги таъминланди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар, шунингдек, 2015 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловы демократик сайлов тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир. Мазкур сайловлар натижалари давлат ҳокимияти органларини такомиллаштириш, халқ ҳокимиятининг демократик асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатимизни ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида янада ривожлантиришнинг муҳим босқичига айланди.

Давра суҳбатида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари

координатори Д.Сабо сайловлар ҳар бир мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён эканини қайд этди. Ўзбекистон сайловлар ўтказишдек кенг қўламли сиёсий тадбирларни юксак савияда ташкил этиш бўйича ўзига хос улкан тажрибага эга. Бунда сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилгани муҳим омил бўлмоқда.

Тадбир давомида сайлов тизими ва сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг турли жиҳатлари, жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сайлов кампаниясини молиялаштириш, сайлов жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги, партиялараро рақобат, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу муносабат билан сайловчиларнинг ягона электрон реестри фаолияти бўйича чет давлатларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти, мамлакатимизда ҳам бундай реестрнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва ундан фойдаланиш имконияти муҳокама этилди.

Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси А.Циндарснинг таъкидлашича, Латвия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, сайловчиларнинг ягона электрон реестридан фойдаланиш фуқаролар ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиради, сайлов жараёнининг очик ва ошқоралигини таъминлайди. Сайлов комиссиялари ва маҳаллий органлар ишини енгиллаштириб, сайловчилар тўғрисида аниқ маълумотлар тузиш имконини беради ва “бир сайловчи – бир овоз” принципини таъминлайди. Энг муҳими, сайловчилар масъулиятини ошириб, шикоятлар бўлиш эҳтимолини камайтиради.

Тадбирда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш, сайлов жараёни барча иштирокчиларининг сайлов тўғрисидаги қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этиши, сайловларга тайёргарлик қилиш ва уларни ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Франциянинг Тулуза шаҳар молиявий суди фахрий вице-президенти Ж.Ракен Ўзбекистон сайлов қонунчилиги билан танишиб, унинг ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилганига ишонч ҳосил қилганини таъкидлади. Унинг фикрича, мазкур қонунчиликда фуқаролар ҳуқуқлари билан боғлиқ барча жиҳатлар инobatта олинган Ўзбекистонда жамият юксак даражада демократлаштирилганидан далолат беради. Сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ягона Сайлов кодекси шаклида кодификация қилиниши барча даражадаги сайловларни ўтказишнинг асосий тамойил ва умумий қондаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Экспертларнинг фикрича, сайлов жараёнининг очик ва ошқоралигини таъминлаш фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатидир. Сайлов кампанияси давомида оммавий ахборот воситалари нафақат сайловчиларни ҳақдор қилишнинг асосий манбаи, балки муҳим жамоатчилик назорати воситаси ҳамдир. Парламент ва Президент сайловлари жараёнида Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамлаб бораётгани яққол намойён бўлди.

Давра суҳбати очик ва амалий мулоқот руҳида ўтди. Тадбир иштирокчилари Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган, жумладан, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида ҳаётта табиқ этилаётган ислохотлар фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилгани ҳақида яққил фикр билдирди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Конституциямиз қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан жиззахлик бир гуруҳ нурунийлар ва ёшлар Тошкент шаҳрига саёҳат қилиб, пойтахтимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

● Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги байрами арафасида Тошкент вилояти Паркент туманидаги “Сумча” дам олиш маркази таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. “Сумча” лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида 20 та янги ишчи ўринлари яратилди ва бу жойлар янги ишчи кучларининг асосини маҳаллий коллеж битирувчилари ташкил қилишмоқда. Ҳозирги кунда дам олиш маскани ҳудудида махсус коттеж уйлар қурилиши давом эттирилмоқда.

● Навоий вилояти Учқудуқ туманида замонавий талаблар асосида барпо этилган 18-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди.

● Нукусда “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” кўриктанловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Танлов иштирокчилари мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётидаги ўзгариш ва янгиликлар, ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маърузалар қилди.

● Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетидида “Узлуксиз таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий муаммолари” мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Тунис пойтахтида автобус портлаши натижасида 12 киши ҳалок бўлди. Воқеа жойида фавқуллодда хизмат вакиллари ишламоқда.

● Дунёдаги спорт кийимлари ишлаб чиқарувчи энг йирик Nike компанияси директорлар кенгаши 12 млрд. долларлик ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш ҳамда А ва В синфидаги акцияларни бўлиш бўйича янги дастурни маъқуллаганини эълон қилди. Айни пайтда компанияда 8 млрд. долларлик акцияларни қайтариб сотиб олиш бўйича дастурга амал қилмоқда.

● Американинг Tesla компанияси жаҳон бозоридан ўзининг Model S седанларини олд ўриндиклардаги хавфсизлик камарлари билан боғлиқ носозликлар эҳтимоли туфайли қайтариб олмақда. Tesla ўз ихтиёри билан қабул қилган қарор АҚШ ва бошқа мамлакатларда сотилган 90 мингта Model S электрокарларига тааллуқлидир.

